


## Юридик шахслар эгалигидаги кўчмас мулк объектларини мустақил баҳолаш натижаларини солиқ органларига тақдим этиш бўйича УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА

Солиқ тўловчилар 2022 йил 1 октябрга қадар кўчмас мулк қийматини баҳоловчи ташкилотни жалб қилган ҳолда мустақил баҳолашни ўтказиш ёки охириги 2 йил давомида баҳоловчи ташкилотни жалб қилган ҳолда ўтказилган мол-мулкни баҳолаш натижаларини солиқ органларига тақдим этиш ҳуқуқига эга. ПҚ-73-сон 30.12.2021 йил.

Солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида солиқ органлари томонидан солиқ тўловчилар эгалигидаги кўчмас мулк объектларини мустақил баҳолаш натижаларини тақдим этиш интерактив хизмати жорий этилди.

Интерактив хизматдан фойдаланган ҳолда мустақил баҳолаш натижаларини юбориш учун [my3.soliq.uz](https://my3.soliq.uz) сайтига кирилади ҳамда “Барча хизматлар” бўлими танланади.



1-расм. Интерактив хизматдан фойдаланиш

Поиск по услугам

Барча хизматлар **Юридик шахслар** Жисмоний шахслар Якка тартибдаги тадбиркорлар Ўзини банд қилганлар

**Шахсий маълумот**

- Солиқ тўловчининг солиштирма далолатномалари ва шахсий карточкасидан кўчирма тақдим этиш
- Солиқ қарзи мавжуд эмаслиги (мавжудлиги) тўғрисида маълумотнома тақдим этиш
- Резидентлик сертификатини чиқариш
- Сотув тўғрисида маълумот
- E-aktiv (E-ombor)
- ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтиш
- Ўз контрагентингни бил
- Шартномаларни электрон рўйхатга олиш
- Ортиқча тўланган ҚҚС суммасини қайтариш
- Ортиқча тўланган ҚҚС суммасини қайтариш
- Резидентлар ва аъзолар тўғрисида маълумот
- Кўчмас мулк объектини мустақил баҳолаш натижаларини тақдим этиш**

## 2-расм. Интерактив хизматга кириш

Ушбу бўлимдан “Юридик шахслар” қисмига ўтилади ва “Кўчмас мулк объектнинг мустақил баҳолаш натижаларини тақдим этиш” хизмати танланади.

Кўчмас мулк объектнингизни танлаб, баҳолаш санаси ва майдонини киритиб солиқ органларини хабардор қилинг.

**+ Объект қўшиш**

## 3-расм. Кўчмас мулк объектлари рўйхатини автоматик шакллантириш

Бу ерда “объект қўшиш” тугмасини босиш орқали солиқ тўловчи эгаллигидаги барча кўчмас мулк объектлари рўйхати **автоматик равишда** шаклланади.


### Кўчмас мулк объектини қўшиш



№	Кадастр рақами	Объект номи	Жойлашган манзили	Майдони (м²)	Холати
1	10:11:02:03:02:5941/055	Индивидуальный дом	ул. Кзыл Арват, пр. 1, дом 1-3-5/2	72	<b>+ Қўшиш</b>
2	10:11:01:02:02:6179:0001:0999	Квартира	ул. Нукус, дом 98, кв. 33	66	<b>+ Қўшиш</b>

#### 4-расм. Мустақил баҳолаш амалга оширилган объектларни танлаш

Бунда мустақил баҳоланган кўчмас мулк объекти танланади ҳамда “қўшиш” тугмаси босилади.



#### 5-расм. Кўчмас мулкни баҳолаш тўғрисида солиқ органларини хабардор этиш ҳақида сўровнома

Ушбу тугма босилгандан сўнг кўчмас мулкни баҳолаш тўғрисида солиқ органи хабардор этилгани ёки хабардор этилмагани юзасидан сўровнома шаклланади.

Солиқ тўловчи солиқ органларини хабардор этган тақдирда “Ҳа”, хабардор этмаганда “Йўқ” босилади.

“Ҳа” тугмаси босилганда солиқ органларини хабардор этганлиги юзасидан маълумотларни тўлдириш учун қўшимча ойна очилади.

Ушбу ойнада;

- Мустақил баҳолаш режалаштирилгани тўғрисидаги хабарнома тақдим этилган сана кўрсатилади;
- Мурожаат файли бириктирилади;

- Мустақил баҳолашнинг бошланиш ҳамда тугаш санаси киритилади;
- Баҳоланаётган қўчмас-мулк майдони киритилади.

Шундан сўнг “қўшиш” тугмаси босиш орқали ушбу объект асосий ойнага қўшилади ва мустақил баҳолаш натижалари тақдим этиш ҳолатига ўтади.

Асосий - Юридик шахслар учун солиқ тўлаш - Солиқ органларини хабардор қилиш

Солиқ органларини хабардор қилиш      Баҳолаш натижалари


Вилоят: Барчаси      Шаҳар / Туман: Барчаси      + Объект қўшиш

№	Кадастр рақами	Объект номи	Жойлашган манзили	Майдони (м <sup>2</sup> )	Мустақил баҳолаш санаси	Баҳолаш майдони (м <sup>2</sup> )	Ҳаракат	Ҳолати
1	10:11:02:03:02:5941/055	Индивидуальный дом	ул. Кзыл Арват, пр. 1, дом 1-3-5/2	72	01.05.2022	72	Натижани юбориш	Хабардор қилинди

### 6-расм. Мустақил баҳолаш натижаларини тақдим этиш.

Натижани тақдим этиш учун “Натижани юбориш” тугмаси босилади. Очилган ойнага мустақил баҳолаш натижалари ҳамда баҳоловчи корхона тўғрисида маълумотлар киритилади.

Натижани тақдим этиш



Баҳолаш бошланган сана: 01.04.2022      Баҳолаш тугатилган сана: 01.05.2022      Баҳолаш майдони (м2): 72      Баҳоланган мулк сумма: 50 000 000

Баҳоловчи корхона: СТИРи 307085886      Баҳоловчи корхона номи: "BIZNES-BAHO KONSALTING" MCHJ

\* Баҳолаш натижасини бириктиринг

Обзор...      Кайта\_баҳоланган\_Асосий\_воситалар.pdf


Бекор қилиш      **Юбориш**

### 7-расм. Мустақил баҳолаш натижалари тўғрисида маълумотлар

Ушбу ойнада;

- Мустақил баҳолаш бошланиш ва тугаш санаси;
- Баҳоланган майдон ҳамда мулк қиймати;
- Баҳолаш ҳуқуқига эга корхона СТИР;
- Баҳоловчи корхона номи (СТИР танлангандан сўнг автоматик шаклланади);
- Баҳолаш натижалари юзасидан тузилган маълумотномани бириктирилади;

“Юбориш” тугмаси босилгандан сўнг баҳолаш натижалари солиқ органларига автоматик равишда юборилади.



### 8-расм. Кўчмас мулк объектни мустақил баҳолаш режалаштирилгани тўғрисида солиқ органлари хабардор этмаслик

Интерактив хизматда “Йўқ” тугмаси босилганда 7-расмда кўрсатилган ойна очилади ҳамда ушбу ойнадаги майдонлар тўлдирилиб, мустақил баҳолаш натижалари юборилади.

Асосий - Юридик шахслар учун солиқ тўлаш - Солиқ органларини хабардор қилиш

Солиқ органларини хабардор қилиш Баҳолаш натижалари

Вилоят: Барчаси | Шаҳар / Туман: Барчаси | Мурожаатларни саралаш: Барчаси

№	Кадастр рақами	Объект номи	Жойлашган манзили	Майдони (м²)	Мустақил баҳолаш санаси	Баҳолаш майдони (м²)	Мурожаат
1	10:11:02:03:02:5941/055	Индивидуальный дом	ул. Кзыл Арват, пр. 1, дом 1-3-5/2	72	01.05.2022	72	Кадастрга юборилди
2	10:11:01:02:02:6179:0001:0999	Квартира	ул. Нукус, дом 98, кв. 33	66	02.06.2022	66	Рад этилди !

### 9-расм. Баҳолаш натижалари ҳолатини текшириш

Мустақил баҳолаш натижалари бўйича мурожаатларни солиқ органлари томонидан қабул қилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисидаги ҳолатни текшириш учун “Кўчмас мулк объектни мустақил баҳолаш натижаларини тақдим этиш” ойнасидан “Баҳолаш натижалари” бўлими танланади.

“Рад этилди” тугмаси орқали мурожаатни рад этиш сабабини билиб олиш мумкин.

Солиқ органларини хабардор қилиш

Баҳолаш натижалари

Вилоят  
БарчасиШаҳар / Туман  
Барчаси

+ Объект қўшиш

№	Кадастр рақами	Объект номи	Жойлашган манзили	Майдони (м <sup>2</sup> )	Мустақил баҳолаш санаси	Баҳолаш майдони (м <sup>2</sup> )	Харакат	Ҳолати
1	10:11:02:03:02:5941/055	Индивидуальный дом	ул. Кзыл Арват, пр. 1, дом 1-3-5/2	72	01.05.2022	72	Натижа юборилди 03.06.2022 19:57:27	Хабардор қилинди
2	10:11:01:02:02:6179:0001:0999	Квартира	ул. Нукус, дом 98, кв. 33	66	02.06.2022	66	Натижани қайта юбориш	Хабардор қилинди

## 10-расм. Рад этилган мурожаатни қайта юбориш

Тақдим этилган мустақил баҳолаш натижалари хато ва камчиликлар мавжудлиги сабабли солиқ органлари томонидан рад этилган тақдирда ушбу хато ва камчиликлар бартараф этилгач “**Натижани қайта юбориш**” тугмаси орқали қайта мурожаат йўллаш мумкин.